O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 13 март, № 50 (4965) Шанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 8-қисмига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қарори билан Ш. М. Мирзиёев Бош вазир лавозимига тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 2-қисмига мувофиқ қуйидагилар Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари этиб тасдиқлансин:

**Мирзиёев Шавкат Миромонович** — Бош вазир — қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари

**Азимов Рустам Содиқович** — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири — макроиқтисодий ривожланиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари

**Ғаниев Элёр Мажидович** — Бош вазир ўринбосари — ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири — ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбари

**Хўжаев Ботир Асадиллаевич** — Бош вазир ўринбосари — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси — коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари

**Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич** — Бош вазир ўринбосари — геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари

**Розуқулов Улуғбек Убайдуллаевич** — Бош вазир ўринбосари — «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси — машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари

**Арипов Абдулла Нигматович** — Бош вазир ўринбосари — таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари

**Акбарова Фарида Шораҳимовна** — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Вазирликлар**

**Бекенов Суннатулла Ҳусанович** — Иқтисодиёт вазири

**Рўзиев Зафар Шаропович** — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Ҳаитов Актам Аҳмадович** — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

**Икромов Адҳам Илҳомович** — Соғлиқни сақлаш вазири

**Жабборов Анвар Жуманиёзович** — Маданият ва спорт ишлари вазири

**Бердиев Қобул Раимович** — Мудофаа вазири

**Матлюбов Баҳодир Аҳмедович** — Ички ишлар вазири

**Норов Владимир Имомович** — Ташқи ишлар вазири

**Муҳиддинов Равшан Абдулатифович** — Адлия вазири

**Ходиев Баходир Юнусович** — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

**Мараҳимов Авазжон Раҳимович** — Халқ таълими вазири

**Худайберганов Турсинхон Айдарович** — Фавқулодда вазиятлар вазири

**Давлат қўмиталари**

**Парпиев Ботир Раҳматович** — Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Носиров Садирхон Холхўжаевич** — Давлат божхона қўмитаси раиси

**Арабов Саидқул Амирович** — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси

**Тўраев Ботир Эшбоевич** — Давлат статистика қўмитаси раиси

**Исмоилов Жаҳонгир Гафурович** — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

**Турамуратов Илхомбой Бекчанович** — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи

**Абдуҳакимов Азиз Абдуқаххорович** — Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 1-қисмига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозими бўйича киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 12 март

Навоий вилояти:

# МАШИНАСОЗЛИКДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

### халқаро миқёсда ҳам эътибор ва эътирофга сазовор бўлмокда



***Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Якунланган йилда бу ерда фаолият юритаётган 3600 нафар малакали ишчи ва тажрибали муҳандислар томонидан 85 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳам фикримиз далилидир.***

**Жараён**

Эътиборлиси, ушбу корхона мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ISO 9001:2000 халқаро сифат сертификатини қўлга киритган эди.

Айни пайтда бирлашма томонидан мамлакатимиз кон-металлургия саноати ҳамда йирик ишлаб чиқариш мажмуаларига импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Бу эса бир неча ўн миллионлаб АҚШ доллари ҳажмидаги валюта тежалишига олиб келмоқда. Хусусан, илгарилари хориждан келтирилган 36 тонналик тегирмон парраклари эндиликда бирлашмада тайёрланаяпти. Шунингдек, юқори қувватли эпик сирдвигателлар ва генераторлар учун зарур бўлган

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** (чапдан) цех бошлиғи ўринбосари Ғафур Тешаев, чилангарлар Санжар Тошев ва Қобил Қаюмов.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## И. Б. Турамуратовни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

**Илхомбой Бекчанович Турамуратов** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 12 март

## ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Давра суҳбати**

Дарҳақиқат, тадбир иштирокчилари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мустақиллик йилларида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

***Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлар яратиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган шу каби устувор вазифалар айни пайтда парламент қуйи палатаси қўмиталарида атрофлича муҳокама этилмоқда.***

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси амалдаги қонунларни такомиллаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга, бунинг учун эса жамоатчилик, айниқса, амалиётчиларнинг фикрини ўрганиб бориш тажрибасига алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, мазкур қўмита Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари билан ҳамкорликда "Мамлакатда ҳуқуқтартиботни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш истиқболлари" мавзуига

**Парламент ҳаёти**

бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида, хусусан, жазоларни либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг ижобий натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Қайд этилганидек, мукаммал қонунлар ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда, фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Айниқса, ундаги меъёрларнинг сифатли ва тушунарли бўлиши долзарб аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд тушунмовчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, уни қўллашда қулайликлар яратиш айни заруратдир. Қолаверса, уларни шарҳлашга кўпроқ эътибор қаратиш, амалиётчилар, назариётчи олимлар, қонун ижодкорлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, ўзаро фикр алмашиб туриш ҳамда музокаралар олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштириш масалалари ҳақида ҳам батафсил фикр-мулоҳазалар юритилди.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

***Республика Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент қуйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида "Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Тадбирда эътироф этилганидек, бугун юртимизда фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун зарур барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортнинг, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар

(Давоми 2-бетда).

# НУРЛИ ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

***Яқин ўтмишдаги, борингки, бундан 25 йил муқаддам мавжуд ўйдим-чуқур кўчалар, шароити ҳаминқадар вокзаллар, имиллаб, кўпинча манзилга кечикиб етиб борадиган поездларни эслайсизми?***

***Табиийки, аксарият ёши улуғлар ва ўрта ёшлилар "Ҳа" деб жавоб беришади. Бугун-чи, мутлақо акси. Кенг, ойнадай ярақлаган кўчалар, бири-биридан ораста, маҳобатли вокзаллар, кирганда баҳридилни очадиган вагонлар, тезюрар поездлар...***

Бу, албатта, Мустақиллигимиз ютуқлари, Юртбошимиз ташаббуслари ва раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси, халқимизнинг ғайрат-шижоати, бунёдкорлик истеъдодининг намойиши натижаларидир.

Маълумки, мамлакатимиз қадимдан Буюк Ипак йўлининг маркази ҳисобланган. Бинобарин, ҳозир ҳам юртимиз ҳудуди Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистраль йўллар билан туташтиришда бекиёс аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг Фармонига биноан, 1994 йил ташкил этилган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан "Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус", "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиялари бунёд этилгани, йўловчи вагон-

**Истиқлол одимлари**

ларни таъмирловчи корхона ишга туширилгани, пировардида ўзбек вагонсозлари томонидан яратилган тезюрар поездларга биз учун қадрли "Регистон", "Шарқ", "Насаф" деган номлар берилиб, тегишли йўналишларда қатновга қўйилгани янгидан-янги зафарлар пойдевори бўлди.

Кейинчалик Марказий Осиёда ягона ҳисобланган "Андижон механика заводи"да цистерналар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Тошкентдаги "Қуюв механика заводи"да вагонлар ва яримвагонлар тайёрлашга киришилгани соҳанинг изчил ривожланишини белгилаб берди. Умуман, компанияда олиб борилаётган ишларнинг кўлами ва қамрови кенг. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси ва ғоялари асосида Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача мўлжалланган комплекс Дастурнинг ишлаб чиқилгани ва амалиётга муваффақиятли татбиқ этилаётганлиги тизим тараққиётида муҳим омилга айланиб бормоқда.

Юртбошимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам темир йўл коммуникацияларини янада изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини уқтириб ўтди. Дастурга мувофиқ, айни пайтда "Тошкент — Ангрен" темир йўл ҳудудига жаҳон андозаларига мос тарзда электр тармоқлари ўрнатилмоқда. Жорий йилда узунлиги 389 километрлик "Самарқанд — Қарши" ва "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" йўналишлари бўйича электрлаштириш ишларини якунлаш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).



# Навоий вилояти: МАШИНАСОЗЛИКДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

**халқаро миқёсда ҳам эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда).

эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиб, шу ернинг ўзида таъмирланмоқда. Корхонанинг резина-техника бўлими томонидан саноат корхоналарига уч минг хилдан зиёд зарурий жиҳозлар буюртма асосида етказиб берилаётир.

Албатта, эришилаётган бундай муваффақиятлар хорижлик мутахассис ва экспертларнинг ҳам муносиб эътирофига сазовор бўлаяпти. Жумладан, ўтган йили Украинада ташкиллаштирилган "Асрнинг машинасозлик соҳаси ва машинасозлари" мавзуидаги халқаро анжуманда навоийлик машинасозлар технология соҳасида эришган ютуқлари билан иштирок этди. 19 та давлат вакиллари қатнашган ушбу йирик халқаро тадбир якунида мазкур корхона I даражали диплом билан тақдирланди. Ўтган йилнинг декабрь ойида эса "Халқаро савдо лидерлари клуби"нинг Мадрид шаҳри таъсисчилари томонидан Навоий ишлаб чиқариш бирлашмаси "Аъло даражадаги маҳсулотлар ва сервис хизмати учун" халқаро соврини билан мукофотланди.

Муҳими, корхона фаолиятида қўлга киритилаётган бу каби ютуқлар тобора кўпайиб бормоқда. Табиийки, бу мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** чилангар Ғафур Тоғаев ва етакчи муҳандис-конструктор Фикрет Каясов иш устида.

# БАРКАМОЛ АВЛОД ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олганлиги қайд этилди. Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан саккиз триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, миллий қадриятимиз бўлмиш кураш, ўзбек жанг санъати, турон яккакураши каби миллий спорт ўйинлари Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши ва раҳнамолигида халқаро майдонда тан олинган оммавий спорт турига айланмоқда. Галдаги асосий мақсад эса миллий спорт турларидан бўлган ўзбек курашини Олимпиада ўйинлари қаторига олиб киришдир. Шу хусусда сўз юритган анжуман иштирокчилари бу борада ўз илмий ечимини, тадқиқотини кутаётган жуда кўплаб тарихий манбалар мавжудлигини эътироф этишди.

Шунингдек, тадбирда спорт соҳасига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича мутахассислар томонидан амалий таклифлар билдирилди ва атрофлича муҳокама этилди.

**З. АШУРОВА.**

# ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

шарт-шароитларни яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир қатор Давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий босқичи ҳисобланади.

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, мазкур қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Жумладан, ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, бугунги кунда 176 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 12 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 33 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 77 та қарори соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчиларига мониторинг натижалари, суд идоралари ҳамда давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларидан фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар, статистик таҳлиллар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш тизимларининг тутган ўрни, тиббий хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш хусусида, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни билдиришди.

**А. БОЛИЕВ.**

# ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Ташаббус — 2010»

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Натижада улар иқтисодиётимизнинг таянч устунларига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги истеъдодларни юзага чиқаришда рағбатлантирувчи омил бўлаётир. Шу боис кўрик-танлов нуфузи йил сайин ошиб, ишбилармонларни ташаббус кўрсатишга ундаяпти.

Айни пайтда жойларда танловнинг вилоят босқичлари якунланмоқда. Таъбир жоиз бўлса, улар тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар маҳсулотларининг кўргазмасига айланди. Тадбирда ўз соҳасида юқори натижаларга эришаётган юртдошларимиз рақобатбардош маҳсулотларни намойиш этиб, жамоатчилик эътирофига сазовор бўлишаётир.

**АНДИЖОН** шаҳрида бўлиб ўтган "Ташаббус — 2010" кўрик-танловининг вилоят босқичида Ватан равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фидойилик кўрсатаётган янги номлар кашф этилди.

Тадбир якунига кўра, Хўжаобод туманида фаолият кўрсатаётган "Ал-ҳаким" корхонаси раҳбари Исроилжон Ураимов "Йилнинг энг яхши тадбиркори", шаҳрихонлик уста Иброҳим Раҳимов "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" ва "Олтинкўлпарранда" фермер хўжалиги раҳбари Шамсиддин Холиқов "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишлари бўйича ғолиб, деб топилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**БУХОРО** шаҳридаги Ибн Сино номидаги маданият саройида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичида ташаббускор, изланувчан, фидойи юртдошларимизнинг бир гуруҳи ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Якунда Бухоро шаҳридаги "Сул Шер Жаҳон" хусусий корхонаси раҳбари Шерали Султонов "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Вобкент туманидаги "Олмазор" фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Равшанов "Йилнинг энг яхши фермери", Бухоро шаҳрилик ўймакор уста Хуршид Фатуллаев "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишларида ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**НАВОИЙ** шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида ўтказилган танловнинг вилоят босқичи том маънода маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг кўргазмасига айланиб кетди. Унда 40 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўз соҳаларида эришган ютуқларини намойиш қилишди.

Якунда "Учқудуқ иссиқ нон" корхонаси раҳбари Шукрулло Тилабов "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Нурота туманидаги "Карим Жуман" фермер хўжалиги раҳбари Абрий Каримов "Йилнинг энг яхши фермери", Навоий шаҳрилик Людмила Завьялова эса "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деган номга сазовор бўлди.

**Э. ҲАМДАМОВ.**

* * *

**НУКУСДА** "Ташаббус — 2010" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 46 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз йўналишлари бўйича маҳсулотлари билан иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Нукус шаҳридаги "Интер-Фарм" кичик корхонаси раҳбари Александр Галимов "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Нукус туманидаги "Дами ота" фермер хўжалиги раҳбари Ўрозбой Тўлепов "Йилнинг энг яхши фермери" ҳамда Нукус шаҳрилик Азатбой Ўтербоев "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**СИРДАРЁ.** Гулистондаги "Алпомиш" спорт мажмуасида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича биринчи ўрин Гулистон туманидаги "Макробит" хусусий корхонаси раҳбари Виктор Урбановичга насиб этди. Шунингдек, Гулистон туманидаги "Бобоназар" фермер хўжалиги раҳбари Соҳибназар Бобоназаров қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда эришган муваффақиятлари билан "Йилнинг энг яхши фермери" дея эътироф этилди. Гулистон шаҳрилик ҳунарманд Мадина Ҳожиева эса "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши бўйича ғолиб чиқди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этдилар. Бу ерга ташриф буюрганлар озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ўймакорлик буюмлари, пазандалик, миллий каштачилик каби маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 100 турдан ортиқ маҳсулотлари билан танишиш имконига эга бўлишди.

Танлов якунига кўра, Яккабоғ туманидаги "Турон-Бунёдкор қурилиш инжиниринг" компанияси бошлиғи Эркин Тўхтаев "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Косон туманидаги "Шоймардон бобо" фермер хўжалиги раҳбари Қосим Шоймардонов "Йилнинг энг яхши фермери" ва Чироқчи туманидаги Салтанат Қўлдошева "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритди.

**Ф. БОЗОРОВ.**

## Тадбир

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 март куни Япониянинг Нагоя университети ваколатхонаси очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.***

# ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Мазкур мамлакат 1993 йилдан буён мамлакатимиз билан кадрлар тайёрлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Тошкентдаги Нагоя университети ваколатхонаси Марказий Осиёда ягона бўлиб, унда нафақат ўзбекистонлик, балки бутун Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари талабаликка танлаб олинади.

— Япония Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди Нагоя университети президенти Хамагучи Мичинари. — Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Шу боис биз университетимизнинг ваколатхонасини очиш учун айнан Ўзбекистонни танладик. Айни вақтда ўзбекистонлик ўнлаб талабалар бу университетда таҳсил олади. Уларнинг сонини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур ваколатхона мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Университетимиз битирувчилари келгусида Ўзбекистон тараққиётига ва ўзаро муносабатларимиз ривожига катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# НУРЛИ ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комплекс Дастурнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унга 18 та лойиҳа киритилган. Ҳозирда темир йўлларни тиклаш, локомотивларни модернизациялаш, янги юк вагонларини тайёрлаш, мавжуд юк вагонлари хизмат муддатини узайтириш, "Жиззах — Янгиер" икки йўлли, "Янгиер — Фарҳод" бир йўлли электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш, "Ўзбекистон", "Чуқурсой" бекатларини такомиллаштириш ва бошқа белгиланган долзарб вазифалар ижроси жадал давом эттирилмоқда.

Юртбошимиз юқорида зикр этилган маърузада "Жорий йилда Испаниядан иккита тезюрар поезд сотиб олиш ва "Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини, барча расмийлаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширишни бошлаш керак", дея таъкидлаганди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши натижасида бу борада шахдам қадам қўйилди. Яқинда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Испаниянинг "Talgo" компанияси билан соатига 250 км. тезликка эга, энг сўнгги технологиялар асосида тайёрланадиган электропоездни харид қилиш бўйича келишиб олди. Шартноманинг умумий қиймати 38 миллион евродан иборат бўлиб, у Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК маблағлари ҳисобидан қопланади. Ҳозирда ушбу линияни тезюрар поездга мослаштириш учун контакт тармоқлари лойиҳасини тузиш борасида Россиянинг "Универсал-контакт тармоғи" ЁАЖ билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Лойиҳа ишлаб чиқилганидан сўнг "Тошкент — Янгиер" ҳамда "Жиззах — Самарқанд" участкаларида реконструкция ишлари, эскирган устунларни замонавий устунларга алмаштириш, алоқа контактлари, электр симларини тезюрар поездлар ҳаракатига мослаштириш, линияларни сигналлаштириш, марказлаштириш каби зарурий юмушларни бажаришга киришилади. Тайёргарлик ишлари ниҳоясига етгач, ўта замонавий ҳамда тезюрар поезд Тошкент ва Самарқанд йўналиши бўйлаб ишга туширилади.

Хуллас, бундай ажойиб воқеаларнинг мамлакатимизда бирин-кетин юз бераётгани, шак-шубҳасиз, Истиқлолимиз шарофати, Юртбошимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган оқилона сиёсатининг самарасидир. Шу боис эндиликда темир йўллар ҳақида гапирганимизда, эски хотираларимиз гирдобида таассуф ва армон билан эмас, аксинча, бугуннинг саодатидан ғурурланиб, бу йўллар нурли йўллардир, деб баралла хитоб қилгимиз келаверади.



*Сўнгги русумдаги замонавий поездлардан бирининг кўриниши.*

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**шарҳловчи.**

***"Халқимиз балиқни "Луқмаи ҳалол" деб бежиз айтмайди. Чунки у нафақат парҳез таом, балки юракка қувват, кўзга дармон бўладиган кальций моддасига бой озуқа ҳамдир. Шунинг учун ота-боболаримиз азалдан, ҳеч бўлмаса, ҳафтасига бир марта балиқ истеъмол қилиб туришни маслаҳат беришган". Газетамизнинг шу йил 23 январь сонида эълон қилинган, Набижон Собировнинг "Юракка қувват, кўзга нур" сарлавҳали мақоласи шундай жумлалар билан бошланган эди.***

# КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА...МИ?

## Таҳририятга жавоб келди

Шунингдек, унда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Фарғона вилоятида балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, мавжуд ихтисослаштирилган хўжаликларда сув ҳавзалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани танқид қилинган эди. Ушбу таҳлилий-танқидий мақола юзасидан яқинда Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан жавоб хати олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Халқ сўзи" газетасининг 2010 йил 23 январь сонидаги "Юракка қувват, кўзга нур" танқидий мақоласи бўйича Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишчи комиссиясини ташкил этди. Ушбу комиссиянинг ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, жойларда амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудда фаолият олиб бораётган ҳамда янги ташкил этилган балиқчилик хўжаликларининг ер майдонлари, сув ҳавзасининг аҳволи, балиқчилик техникалари ва анжомлари, уларнинг балиқ етиштириш имкониятлари чуқур таҳлил этилиб, фотосурат ва видеотасмаларга олинган. Бу борада туман ва шаҳарлардаги балиқчилик фермер хўжаликларига алоҳида ҳужжатлар тўплами ва мониторинг маълумотлари тайёрланиб, туман "Ергеодезкадастр" бўлимлари томонидан жойлашиш хариталари ишлаб чиқилган. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида балиқчилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари эса инвентаризациядан ўтказилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "2009 — 2011 йилларда республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури", "Вилоятда 2009 — 2011 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури"нинг 9-бандига асосан, Данғара туманидаги "Данғара Урай" МЧЖ ҳовузларига сув чиқариш мақсадида "Сариқсув" коллекторида насос станцияси ва лоток тармоғини тиклаш режаси белгиланиб, корхона маблағи ҳамда банк кредитлари ҳисобидан 150 млн. сўм сарфланиши кўзда тутилган эди.

Мазкур вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш учун балиқчилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган республика ва вилоят ишчи гуруҳлари томонидан "Данғара Урай" МЧЖдаги балиқ етиштириш аҳволи ўрганиб чиқилиб, туман ҳокимлигига ва жамият раҳбарларига бир неча маротаба огоҳлантиришлар берилган. Шунга қарамасдан, жамият томонидан олиб борилаётган ишлар олдинга силжимади. Гап шундаки, жамиятнинг умумий ер майдони 384 гектар бўлиб, 7 та сунъий кўл сатҳи эса 328 гектар ердан иборат. Лойиҳа бўйича йиллик балиқ етиштириш қуввати 800 тоннага тенг. Сув, асосан, Сирдарё ҳамда "Сариқсув" коллекторидан олинади. Айтиш керакки, "Сариқсув" Наманган вилоятининг ташлама коллектори бўлиб, ортиқча сув кўпайган вақтида очиб юборилади, қолган пайтда эса жамиятнинг сув келадиган асосий манбаи мавжуд эмас.

2008 йилда "Данғара Урай"нинг 150 гектар майдонидаги 5 та сунъий кўлга чавоқ балиқ ташланган. Сув танқислиги оқибатида кўллар қуриб, балиқлар нобуд бўлганлиги сабабли, бор-йўғи, 14 тонна маҳсулот етиштирилган. Фойдаланилмаган кўллар лойқага тўлиб, яроқсиз ҳолга келган. 2009 йилда эса она ва чавоқ балиқлар учун 20, тирик балиқ етиштириш учун 120 гектар, жами 140 гектарлик сунъий кўл сувга тўлдирилиб, 40 тонна балиқ тутилди. Бундан ташқари, давлат буюртмасига асосан, 15 гектар ердан 9 тонна пахта, 70 гектар майдондан 95 тонна буғдой ҳосили олинди.

"Данғара Урай" МЧЖдаги ана шу аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилгач, "Вилоятда 2010 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури"ги мувофиқ, унинг фойдаланилмай турган 179 гектар сув ҳавзаси тендер асосида ижарага берилиши режалаштирилиб, туман ҳокимлигида сунъий кўллар сув таъминотини яхшилаш, хусусан, насос станциясини тўлиқ кувватда ишлаш чораларини кўриш вазифаси белгиланди.

Бугунги кунда вилоят ҳокимининг қарорлари асосида эгасиз қолган балиқчилик хўжаликлари вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саъй-ҳаракати билан оёққа турғизилмоқда. 2009 йил давомида 8 гектарлик сув ҳавзаси таъмирланиши ҳисобига жорий йилда товар балиқ ўстириш майдони 8 гектарга кўпайтирилди. Натижада умумий сув ҳавзасининг 85 фоизидан фойдаланишга эришилмоқда.

Шу ўринда Қувасой шаҳридаги балиқчилик фермер хўжаликлари фаолиятига тўхталадиган бўлсак, уларнинг сони 2008 йилда 8 та бўлиб, умумий ер майдони 25,2 гектар эди. Шундан 11,9 гектарлик сув ҳавзасида балиқ боқилиб, якунда 12 тонна маҳсулот етиштирилди. Бироқ 2009 йилда "Қувонч", "Каримбобо" ва "Бараму" балиқчилик фермер хўжаликлари, жами 3,1 гектарлик сунъий кўлларда етарли миқдорда сув бўлмаганлиги сабабли, фаолият юрита олмади. Шундай бўлса-да, бултур қолган 5 та балиқчилик хўжалиги томонидан 8,8 гектарлик сунъий сув ҳавзасига 20800 дона чавоқ ташланиб, режадаги 14 тонна ўрнига 21 тонна балиқ тутилди.

2009 йилда, умуман, Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Сирдарё — Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ташаббуси билан 19 та балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳукумат дастурлари талабларини бажариш, балиқчиликни ривожлантириш, тармоқдаги ишларни мувофиқлаштириш, ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, юзага келаётган муаммоларга биргаликда ечим топиш, шунингдек, бошқа ҳудудлар ва халқаро балиқчилик ассоциациялари билан интеграциялашувга эришиш, савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ўрнатишда кўмаклашиш мақсадида Фарғона паррандачилик ва балиқчилик Кенгаши ташкил этилди. Бу кенгаш таркибига илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари, йирик тадбиркорлар, соҳага дахлдор олим ва мутахассислар жалб этилган бўлиб, улар қатъий режа асосида фаолият юритмоқдалар.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш йўлида изчил иш олиб борилмоқда. Мақола муаллифи томонидан, айтиш мумкинки, долзарб мавзу кўтарилган. Биз, ўз навбатида, мақолада қайд қилинган мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида бор имкониятларни сафарбар этаяпмиз.

**И. НОСИРОВ,**
**Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси".**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Кутилмаган об-ҳаво ноқулайликлари

***Европанинг бир қатор мамлакатларида кузатилган совуқ ҳарорат аҳолига қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.***



Жумладан, Норвегияда ёққан қорнинг бирдан эриши туфайли аксарият кўчаларни сув босди. Темир йўлларда ҳаракат тўхтаб қолди. Шу боис минглаб йўловчилар вақтларини вокзалларда кутиш билан ўтказишга мажбур бўлишмоқда. Испанияликлар эса аксинча, қор эримаётганидан ташвишдалар. Қизиқ жиҳати, асосан, иссиқ ҳарорат кузатиладиган Мальорка дам олиш масканлари оппоқ қорга бурканган. Бундай ҳолатни камдан-кам учратадиган маҳаллий аҳоли табиатнинг бу мўъжизасидан ҳайратланмоқда.

### Қадимий мақбара топилди

***Миср пойтахти Қоҳира шаҳри яқинида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида қадимий мақбара топилди.***

Олимларнинг сўзларига кўра, 25 метр чуқурликдан аниқланган бу меъморий обида тўрт минг йиллик тарихга эга бўлиб, унда малика Беҳену дафн этилган экан. Мақбаранинг ярми сақланиб қолган.

Шу ўринда маълумот сифатида айтиб ўтиш керак, тарихчилар ҳозиргача Беҳену ҳақида унча кўп маълумотга эга эмаслар. Масалан, малика қайси фиръавнга турмушга чиққанига ҳалигача аниқлик киритилмаган.

### Ойнинг ўн беши ёруғ

***Жаҳон авиасаноати инқироздан чиқа бошлади, дейилади Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (ХҲТА) томонидан тарқатилган маълумотда.***

Бунга жорий йил бошидан авиакомпаниялар хизматидан фойдаланишга бўлган мурожаатлар сонининг секин-аста кўтарила бошлагани асос қилиб олинмоқда. Тахминларга қараганда, 2010 йилда дунё бўйича йўловчи ташиш ҳажми 5,6, юк ташиш хизмати эса 12 фоизга ошиши мумкин.



Шунингдек, ХҲТА жаҳон авиасаноати таназзулдан тўла қутулиши учун 2-3 йил вақт керак, деб ҳисобламоқда.

### Зилзила тўхтамаяпти

***Чилида яна зилзила рўй берди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.***



Табиий офат кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллга етган. Унинг маркази пойтахт Сантьягодан 180 километр узоқликдаги жануби-ғарбий ҳудудда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил февраль ойида мамлакатда содир бўлган зилзила юзлаб одамларни ҳаётдан олиб кетганди. Бундан ташқари, табиий офат Чили иқтисодиётига 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган.

### Хунрезлик оқибати

***Покистоннинг Лаҳор шаҳрида иккита қўпорувчилик ҳаракати амалга оширилди.***

Ахборот агентликлари хабарида айтилишича, террорчилар шаҳардаги савдо маркази ва ҳарбий гарнизон ҳудудида портлашлар содир этишган. Оқибатда 20 киши қурбон бўлган, 26 киши эса жароҳатланган.

### Ўн олти ойда кузатилмаганди

***Февраль ойи якунида Хитой иқтисодиётида инфляция даражаси 2,7 фоизга етган.***



Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда охирги ўн олти ой давомида бундай салбий ҳолат қайд этилмаганди. Таҳлилчилар бунинг олдини олиш учун ҳукумат кредит сиёсатида талабчанликни ошириш билан бирга, уни янада фаоллаштириши лозим, деган фикрдадлар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---




***Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани иқтисодий ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, банк-молия тизими тобора мустаҳкамланиб, тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш кўлами муттасил ортиб бораётир. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд вилояти бўлимининг 2009 йилги фаолияти бунга мисол бўла олади.***

***Тизимда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида иш олиб борилаётгани туфайли аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи ортиб бораяпти. Ўтган йили бўлим мижозлари сони 24879 тага кўпайгани бунинг ёрқин далилидир. Умуман олганда, мазкур бўлим ва унинг филиаллари томонидан 179413 та мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг 4876 тасини юридик, 174537 тасини эса жисмоний шахслар ташкил этади.***

## «Ўзмиллийбанк»:
# ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ – БОШ МАҚСАД

— Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз боис унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш борасида муайян натижаларга эришаяпмиз, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Шунқор Худойбердиев. — Шу ўринда таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий барқарорлаштириш бевосита инвестициявий молиялаштиришни тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ. Мамлакатимизда масаланинг ушбу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилаётгани учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, ҳар йили кўплаб янги-янги объектлар ишга туширилмоқда. 2009 йил мобайнида ҳам ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш пайидан бўлдик. Бу ўзининг ижобий самараларини берди, албатта.

Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада тижорат банклари олдига жиддий вазифаларни белгилаб берди. Бўлим томонидан мазкур Фармон ижроси бўйича ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Аниқроғи, уларнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этиши, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиши, уй хўжалигини йўлга қўйиши ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган уй жиҳозларига эгалик қилишида банк кредитлари муҳим ўрин тутаяпти. Ўтган йили банк томонидан 570,5 миллион сўм ипотека кредитлари, 614,0 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари, 512,0 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани бунинг исботидир.

Қишлоқ хонадонларини чорвасиз, айниқса, қорамолсиз тасаввур этиш қийин. Чунки сигир рўзғор тўкинлигининг манбаидир. Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2008 йил 21 апрелда имзоланган қарори чорвачиликни ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

"Ўзмиллийбанк"нинг Самарқанд вилояти бўлими томонидан мазкур қарор асосида 2009 йилда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожи учун 710,6 миллион сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан режалаштирилган 60 миллион сўм ўрнига 95 миллион сўм миқдорида кредит берилгани ҳам диққатга сазовордир.

### Молия муассасаларида

Таъкидлаш керакки, вилоятда "Ўзмиллийбанк" кредитлари ҳисобига ишлаб чиқаришни, хусусан, қишлоқда саноат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйган тадбиркорлар кўп. Улар билан суҳбатлашсангиз, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратиб берилган шароитлар, айниқса, имтиёзли кредитларнинг афзаллиги ва банкнинг беминнат хизмати ҳақида гапиришади.

"ГалаОсиёнон" масъулияти чекланган жамияти ана шундай жамоалардан бири. Мазкур корхонанинг Самарқанд вилояти аҳолисини нон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлашда муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йили банкнинг вилоят бўлими мазкур жамиятга 400 миллион сўм миқдорида кредит ажратгач, унинг фаолияти янада кенгайди.

Гап шундаки, банк сармояси ҳисобидан корхонага 3 тўпламли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар линияси сотиб олинди. Яна бир эътиборли жиҳати, у ишга туширилгач, 40 та янги иш ўрни яратилди.

Самарқанд шаҳридаги "Парранда омихта ем" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам банк хизматидан мамнун. Негаки, бу жамоа фаолиятининг кенгайтирилиши ҳам бевосита банк кредити билан боғлиқ. Вилоятдаги паррандачилик корхоналари ҳамда аҳоли паррандалари учун сифатли ем маҳсулотлари етказиб берувчи ушбу корхона 400 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит эвазига чет элдан замонавий ускуна сотиб олди. У ишга туширилгач, маҳсулот сифати яхшиланиб, миқдори ошди. Шу билан бирга, жамиятга яна 30 нафар ишчи доимий ишлаш учун таклиф этилди.

Нурobод туманидаги "Sama Mir" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси яқин кунларда пишиқ ғишт ишлаб чиқара бошлайди. Тадбиркор бунга банк томонидан Хитой кредит линияси орқали 212500 АҚШ доллари миқдорида кредит олгани туфайли эришаяпти. Айни пайтда сармоя эвазига Хитойдан олиб келинган технологик линияни ўрнатиш ва қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилаяпти. Ҳадемай, корхона ишга тушиб, 37 та янги иш ўрни яратилади. Натижада бир кеча-кундузда 11-14 минг донагача пишиқ ғишт тайёрланади.

Банк фаолиятида бундай мисоллар кўп. Зотан, ўтган йили Самарқанд туманида иш бошлаган бир неча паррандачилик, Булунғур туманидаги қатор қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, шаҳару қишлоқларда иш бошлаган яна ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари айнан мазкур банк кредитлари эвазига иқтисодий барқарорликка эришмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари изчил олиб борилаётгани туфайли бу борада ҳам ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Аниқроғи, 2010 йил 1 январга қадар миллий валютада ва хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида жами 19 миллиард 458 миллион сўмлик талаб қилиб олгунча ва муддатли аҳоли омонатлари жалб қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 миллиард 275,4 миллион сўмга кўпдир.

Шу билан бирга, ушбу даврда 93 минг дона пластик карточка эмиссияси режалаштирилган бўлса, амалда уларнинг сони 102864 донага етказилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига 411 савдо терминали ўрнатилди. Пировардида 2009 йил мобайнида улар орқали 19 миллиард 103 миллион сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди. Кўрсаткич мўлжалдагидан 14 миллиард 203 миллион сўмга кўп эканлиги қувонарли ҳолдир.

Дарҳақиқат, пластик карточкалар орқали тўлов қулайлиги боис бу тизим тобора оммалашиб бораяпти. Буни банк бўлими томонидан 2010 йилнинг 1 январига қадар мижозлар билан 445 та иш ҳақи лойиҳалари шартномалари тузилгани, унга кўра, йил давомида 15 миллиард 470 миллион сўм миқдоридаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилгани яққол кўрсатиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, 2009 йилни юқори ўсиш суръатлари билан якунлаган "Ўзмиллийбанк" Самарқанд вилояти бўлими жамоаси 2010 йилда ҳам иқтисодиётнинг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган. Шу мақсадда мавжуд имкониятлар ишга солиниб, ғайратшижоат билан меҳнат қилинмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### РАҚАМЛАР — СЎЗЛАЙДИ

*• Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд вилояти бўлими томонидан 2009 йил кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жами 11 миллиард 22 миллион сўмлик кредитлар берилиши режалаштирилган эди. Амалда эса ушбу соҳага 25 миллиард 947,3 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиб, бу борадаги режа 235,4 фоизга уддаланди.*

*• Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасига 3 миллиард 640 миллион сўм ўрнига 10 миллиард 460,1 миллион сўм маблағ йўналтирилди.*

*• Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун йил мобайнида 4 миллиард 588 миллион сўм кредит ажратилди. Бу режалаштирилган маблағдан 3 миллиард 185 миллион сўмга кўпдир.*

*• Банк бўлими филиалларининг 1 миллиард 158,3 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан ўтган йили фермерлар 33 та қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишди.*

*• Тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 676 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.*

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Банк бўлими томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, саноат ва қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадларига ўтган йили режадаги 2 миллиард 310 миллион сўм ўрнига 5 миллиард 474,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Маблағлар иқтисодий тизимнинг барча соҳалари бўйича йўналтирилгани айни муддао бўлди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам яққол кўрсатиб турибди:

— чорвачиликни ривожлантириш, наслли қорамол олиб келиш учун — 378 миллион сўм;

— паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун — 517 миллион сўм;

— хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун — 639 миллион сўм;

— қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун — 41 миллион сўм;

— муқобил ёнилғи ишлатувчи ғишт заводи қурилиши учун — 150 миллион сўм;

— томёпқич материаллари ишлаб чиқариш учун — 120 миллион сўм;

— ўсимлик ёғи ишлаб чиқариладиган минизаводлар барпо этиш учун — 50 миллион сўм;

— тадбиркорлик субъектларига иссиқхона қуриш учун — 846 миллион сўм;

— минитехнология ва ихчам ускуналар ишлаб чиқариш учун — 1 миллиард 348 миллион сўм;

— мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини сақлаш, чуқур қайта ишлаб чиқариш учун — 165 миллион сўм;

— касаначиликни ривожлантириш учун — 63 миллион сўм ажратилди.

---

## Яхши хабарлар

***Жондор туманидаги Ёбонболо қишлоғида болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Жўраев Хушвақт" корхонаси иш бошлади.***

### Болалар учун бежирим либослар

Ушбу лойиҳани амалга оширишда қишлоқ тадбиркорларига банкдан олинган 20 миллион сўмлик кредит қўл келди. Эътиборлиси, 8 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа ички бозорга ойига ўртача 10 миллион сўмлик маҳсулот чиқармоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Битирувчиларга иш ўрни тайин

***Наманган тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан ўтказилган меҳнат бозори ярмаркасида 38 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 228 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.***

Тадбир якунига кўра, 101 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, коллежларнинг битирувчи курсларида таҳсил олаётган 128 нафар ўқувчини ишга жойлаштириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар билан уч томонлама шартномалар имзоланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**











**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 29 март куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қайтадан қўйилганлигини маълум қилади:**

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан савдога қўйилган Самарқанд шаҳри, А. Навоий кўчаси (Мустақиллик), 29-уйда жойлашган, 3 қаватли «Зебо» маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси.
Майдони — 2003,21 м², қурилиш ости майдони — 548,32 м².
Бошланғич баҳоси — 750 578 400 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 19 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй,**
**Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона.**
**Телефон: (8-366) 234-06-38.**

201R/284

*Наврўз — қутлуғ айём, қадриятларимиз гулдастаси. Ҳаётимизни янгича маъно-мазмун билан бойитадиган, аждодларимиздан қолган бебаҳо мерослар мажмуасидир. Бугунги ишларимизни эртанги интилишларимизга туташтирувчи кўприк.*

*Наврўзнинг ҳар йилги ранг-жилолари ўзгача. Бахтли-бахтиёр кунларимизга оҳангдошлиги бетакрор. Шавқи-сурури мафтункор.*

# АЙЁМГА АТАЛГАН ТУҲФА

Ана шу шавқу сурур туйғулари одамларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан пайваста бўлаётгани бизни янада қувонтиради. Бу боғлиқликни Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижроси мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Қурилиш — буюртмачи ва пудратчининг техник-молиявий имкониятлари мувофиқлашувининг, иш сифати ва одамлар эҳтиёжининг бири-бирига мос келиши каби жиҳатларни тақозо этадиган жараён. Шу жараёнлар динамикасининг қарорда аниқ ва равшан ифодалаб берилгани муҳим аҳамият касб этди. "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлажак лойиҳаларнинг ҳаётий ва жозибадор бўлишини таъминлади. Бу хайрли ишга бош қўшган пудратчиларга солиқ тўловларида имтиёзлардан фойдаланиш имкони яратилгани ва "Қишлоқ қурилиш банк" тизимининг бўлажак уй эгаларига таклиф қилган кредитларидаги енгилликлар нур устига аъло нур бўлди.

Бошқа жойлардаги қатори Жарқўрғон тумани Ғурғур маҳалласида ҳам йигирма уйли янги замонавий қўрғон бунёд этилгани ана шу мутаносибликнинг самарасидир.

— Пудратчи сифатида бунчалик бир маром билан тез ва режали ишлаганимизни эслай олмайман, — дейди Жарқўрғондаги хўжалик ҳисобидаги кўчма механизациялашган жамлама масъулияти чекланган жамияти бош устаси Холли Саданов. — Чунки биринчидан, лойиҳа мукаммал. Иккинчидан, таъминотда узилиш бўлмади. Иш давомида уй эгалари билан кенгашиб, маслаҳатлашиб турганимиз қўл келди.

— Устанинг маҳорати, уқувини кўрсатадиган нарса бу ёғочнинг, эшик-ромларнинг, бўёқларнинг сифати, — дейди дурадгор Улабой Тожиев. — Пойдеворни кўринг — баланд, мустаҳкам. Полга қоққан ёғочларимиз бир текис. Ялтиллайди. Пардоз ашёлари бозорнинг олд моллаколаридан. Ишонсангиз, йигирма уйли бутун бир қўрғон кўп эмас, уч ойда, яна қишнинг қорли-қировли кунларида бунёд этилди. Яна бир уйларки, кенг-кўркам меҳмонхонали, мўъжаз ошхонали, ойнаванд айвонли, ҳовлили-томорқали. Катта йўлнинг устида, катта ариқнинг бўйида. Чинакамига ўзбекона уй.




Томоша қилиб, қараб тўймайсан. Ишқилиб, буюрсин эгаларига. Файзли-баракали бўлсин.

Бош устанинг айтишича, қурувчилар шошилмай, етти ўлчаб бир кесиб, пухта ишлашди. Ва шу билан ҳам мақсадларига эришишди. Наврўз байрамига қадар қурилишни ниҳоясига етказадиган бўлишди. "Бу уйлар энди бизнинг ўз буюртмачиларимизга жорий йилда Наврўз айёмига қилган туҳфамиз бўлади", дейди у.

— Бунақа уйларни ўзимиз якка тартибда қурмоқчи бўлганимизда озмунча ташвиш чекармидик, — дейди беш хонали уйнинг эгаси, ёш оила бошлиғи Сафар Ибодуллаев. — Қанча вақту қанча харажат кетган бўларди. Ҳозир-чи? "Қишлоқ қурилиш банк"нинг туман бўлими кредити билан уй баҳосининг 25 фоиз бадал тўловидан қутулдик. Қолганини ҳам босқичма-босқич тўлаб борамиз. Янги уйлар эгаларининг деярли ҳаммаси тенгдошларим — ёшлар. Бу давлатимиз томонидан бизларга кўрсатилган беқиёс ғамхўрлик намунаси, албатта! Мақсадимиз, шу ғамхўрликка муносиб бўлиш, билдирилган ишончни оқлаш.

Хонадон эгалари янги ҳовлиларига, кўчаларига яхши ният билан кўчат қададилар, гул экдилар. Эндиги режалар ҳам тайёр: ҳаммалари жам бўлиб байрамда Наврўз таоми — сумалак пиширадилар. Ҳовли тўйларини нишонлайдилар.

Ҳа, диллари Наврўзнинг мафтункор шавқи-сururидан яйраган одамлар бугун хонадонларининг фаровонлиги, юртларининг ободлиги йўлида ўзларини бунёдкорликнинг янги марраларига чоғлаб яшамоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 14 март — «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилган кун

# ЮРТ МАДҲИНИ ДОСТОНЛАРДА КУЙЛАЙМАН

***Мамлакатимизда Президентимизнинг Фармони билан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис этилганида қувончдан бошим осмонга етган эди. Зеро, бундай унвон бахшилар хизматига юксак эътибор ва эъзоз намунасидир.***

Ўзбек бахшичилик мактаби кўп йиллик тарихга эга. Азал-азалдан юртимизда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм бахшичилик мактаблари шаклланиб, сайқал топиб келган. Асрлар давомида яратилган халқ оғзаки ижодиёти асарларини ҳалигача шараф билан ёдда тутиб, ками бўлса тўлдириб, сайқаллаб, адабий меросни ҳозирги авлодларга етказиб бераётган бахшилар кўп бўлган. Гап шундаки, бундай нодир фазилатли инсонларнинг меҳнати, салоҳияти ва ижоди истиқлол даврида алоҳида рағбатлантирилмоқда.

**Фахр**

Юртимизда минг йиллар муқаддам "Алпомиш"дай буюк достон яратилган бўлса, XV-XVI асрларда бутун бошлиқ ва машҳур достончилик мактаблари вужудга келди. Булунғур, Шаҳрисабз, Шеробод, Хоразм каби йирик ва узоқ тарихли достончилик мактабларидан қолган бой мерос тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Бу мактаблардан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Абдулла Нурали ўғли каби истеъдодда бири-биридан қолишмайдиган бахшилар етишиб чиқди. Бугун ҳам бу мактабларнинг ижод булоғи қайнаб-тошиб турибди. Хусусан, тенгдошу дўстларим бўлмиш — қашқадарёлик Шомурод Тоғаев, Абдиқаҳҳор Раҳимов, қорақалпоғистонлик Жумабой Бозорбоев, хоразмлик Рўзимбой Норматов ("Қаландар бахши") ва Абдулла Қурбонназаров, сурхондарёлик Боборайим Маматмуродов, Қора Умиров ("Қора бахши"), самарқандлик Зиёдулла Исломов сингари бахшилар қатори мен ҳам юксак мукофот — "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" унвонига сазовор бўлдим.

Бахшичилик кишидан фақат достонларни ёдлаб олишни эмас, балки ижодкорлик қобилиятини ҳам талаб этади. Сўзга сўзни улаб, тўқиш эмас, аксинча тезда унинг маъносига мос иборалар топиш ва уни куйлаш керак.

Бугун биз дориламон замонда яшаяпмиз. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишлар, халқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ғамхўрликлар бизга туганмас илҳом бахш этади. Юртимиз мадҳини достон айтгандек тараннум этиш ҳар бир бахшининг эзгу орзуси. Бугун бахшиларимизнинг янги-янги авлодлари ҳам ана шу ниятда дўмбирани қўлга олмоқдалар. Кўҳна оҳанглар, дилларни ҳаприқтириб юборувчи қаҳрамонлик ва ишқий достонларни давраларда, халқ йиғинларида, тўйларда баралла куйламоқдамиз. Энг муҳими, биз истиқлол шарофати билан хорижий давлатларда ўтказилаётган халқаро фестивалларда иштирок этиб, юз минглаб янги-янги тингловчилар қалбини забт этмоқдамиз.

Истиқлол даврида халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарига қизиқиш тобора ортиб бораётгани бежиз эмас. Негаки, халқимиз асрлар давомида Ватан ва халқ озодлигини, унинг бахтли келажагини, ҳаётнинг ободлиги ва фаровонлигини орзу қилиб келди. Бу орзу-ҳаёллар бугун рўёбга чиқди. Элимиз мустақил яшаш ва ривожланиш нашидасини сурмоқда.

**Б**ундай эркин, бахтли ҳаётни кўрганимиздан завқланиб, биз, бахшилар эзгу ишларни шарафловчи жўшқин термалар ва достонлар яратишдан асло толмаймиз.

**Абдуназар ПОЁНОВ,**
**Ўзбекистон халқ бахшиси.**

# «НИҲОЛ» МУКОФОТИ ТАНЛОВИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.***

«Ниҳол» мукофотининг биринчи саралаш босқичи Республикамиз шаҳар-туманларида жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майигача, иккинчи саралаш босқичи 15 майдан 15 июнгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида ўтказилади.

**Талаб этиладиган ҳужжатлар:**

1. Доимий ўқиш ёки иш жойидан берилган ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган ижодий тавсифнома (электрон варианти билан);
2. Маълумотнома объективка (электрон варианти билан);
3. Паспорт нусхаси;
4. Диплом нусхаси ёки таълим олаётган ўқув юртидан маълумотнома;
5. Таржимаи ҳоли;
6. 8 дона фотосурат (4 дона 10х15, 2 дона 3х4 ва 2 дона ижодий жараёндаги сурат);
7. Репертуар рўйхати (қўшиқ номи, матн муаллифи ва бастакори);
8. Видео (DVD) альбомлари;
9. Танловларда қатнашганлиги ҳақидаги диплом ёки сертификат нусхаси (агар бўлса);
10. Оммавий ахборот воситаларида номзод ҳақида берилган кўрсатув, эшиттиришлар ва мақолалар нусхаси (агар бўлса).

***Номзодларнинг ҳужжатлари жойлардаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан қабул қилинади.***

***Барчамиз севиб томоша қиладиган "Ўткан кунлар" бадиий фильмида шундай лавҳа бор: Кумушбиби Зайнабнинг макри туфайли заҳарлангач, ўлим билан олишиб ётади. Шу пайт келинининг аҳволини билиш мақсадида у ётган уйга қайнотаси яқинлашади. Отабекнинг ёнида дарднинг зўридан ингранаётган аёл қайнотасининг шарпасини сезиб, лабини тишлайди. Буни қарангки, ич-ичини заҳар тирнаб, ҳаёт билан видолашаётган келин азбаройи одоб юзасидан овозини чиқармасликка ҳаракат қилади...***

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИДАГИ МУШОҲАДА

Албатта, бу ҳолат тўқиб чиқарилмаган, аксинча, ҳаётдан олинган. Зеро, ўзбекона андиша, истиҳола, одобахлоқнинг илдизи шу қадар мустаҳкамки, у асрлар давомида шаклланиб, бугунги кунгача ҳам сақланиб келмоқда. Шунинг учун бўлса керак, халқимизга хос хислатлар кино ёхуд бошқа сериалларда акс этса, бундай асар қалбимиздан чуқур жой олади. Бунга мисол қилиб истиқлол йилларида яратилган "Воиз", "Ёлғиз ёдгорим", "Эркак", "Чавандоз" каби кўплаб бадиий фильмларни келтириш мумкин. Ушбу киноларда биз ўзлигимизни, ён-атрофимиздаги кишиларнинг феъл-атворини кўрамиз ёхуд маҳалламиз ёки қишлоғимизда рўй берган айнан шунга ўхшаш воқеалар ёдимизга тушади. Уларда ҳаёт нафаси уфуриб туради, шу боис бундай асарларни томоша қилганда, албатта, маънавий завқ оламиз. Юриш-туришимиз, гап-сўзимиздаги айрим ноқисликларни тузатишга киришамиз. Бир сўз билан айтганда, оммага ҳавола этиладиган ҳар қандай намойишда ибрат мужассам экан, у беиз кетмайди.

Гап шундаки, кейинги пайтларда экран орқали "Турмуш чорраҳаларида", "Денгиздан томчи" каби рукнларда ғоя нуқтаи назаридан дунёқарашимизга зид, миллий қарашларимизга унчалик тўғри келмайдиган айрим лавҳалар пайдо бўлмоқда. Асосан эрталаб ва кечки пайт бериб борилаётган лавҳа. Уларнинг айримлари сохта, ҳаётдан узоқ, кишининг ғашига тегадиган даражада бачкана. Мана, бир мисол. Кекса отахоннинг беш нафар ўғли ва бир қизи бор. Фарзандларининг барчаси уйли-жойли, ўзларидан тинчиган. Ота касалликка чалингач, можаро бошланади. Яъни ўғилларнинг бирортаси ҳам ўз ихтиёри билан отасини кўргани касалхонага бормайди. Фақат қиз унинг ёнида бўлади. Беморнинг аҳволи оғирлашганини эшитган ўғиллар эса мангуга кўз юмаётган отадан ажралиб қолишдан изтироб чекиш ўрнига мерос — ҳовли-жойни қандай қилиб бўлса ҳам қўлга киритиш пайига тушишади. Бу ҳақда уларнинг ҳар бири зимдан режа тузади. Ота эса ўлимидан олдин фарзандларининг оқибатсизлиги, тошбағирлигидан ранжиб, ҳовли-жойни Меҳрибонлик уйи ихтиёрига расмийлаштириб қўяди...

Бу лавҳаларни кўраётиб, отахоннинг изтиробидан нечоғли куюнсак, бир мунис қизнинг меҳрибонлигидан шунчалик суюнамиз. Унинг тимсолида мушфиқ онамизу жонсарак синглимиз меҳрини ҳис этгандек бўламиз. Бироқ воқеа якуни таъбни хира қилади. Ота омонатини топширган, мерос эса қўлдан кетган. Энди фарзандлар жанозани қаерда ўтказиш ҳақида тортишиб (!) қолишади. Акаларининг бундай хатти-ҳаракатларини ҳазм қилолмаган қиз отасини сўнгги манзилга кузатишни ўз зиммасига олади... Афсуски, бундай воқеликдан

**Маънавият**

йироқ, халқимизга хос бўлмаган манзараларни ўзида мужассам этган бу намойиш такрор ва такрор экран юзини кўрмоқда.

Уйга толасан, киши: "Наҳотки, бизда шунчалик тубан оилалар бўлса? Орамизда падари бузрукворининг сўнгги ризолигини олишдан кўра унинг меросини афзал билганлар наҳотки учраса?" Бундай саволлар нафақат бизни, кўплаб томошабинларни ҳам ташвишга солаяпти. Мана, қўлимизда Навоий вилояти, Учқудуқ туманилик Равшан Турдиевнинг хати. Унда айни мавзу хусусидаги мулоҳазалар бор.

"Болалигимизда ота-онам биз, фарзандларни "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувини қолдирмасдан кўришимизга алоҳида эътибор қаратишарди, — деб ёзади у. — Энди-энди ўзим ота бўлиб, оила бошлиғи сифатида англаяпманки, ота-онамнинг бундай йўл тутишлари ўзига хос тарбия усули экан. Ўз оиласига вафодор бўлиш, яқинларини қадрлаш, меҳр-оқибат, хайру саховат каби ўлмас қадриятларимизнинг ўзига хос тарзда экранда намойиш этилишидан таъсирланардик. Бугунги кунда ҳам кўз-кўз этса арзийдиган кўрсатувларимиз бор. "Азизим", "Ҳаёт гўзал", "Очиқ дарс" каби кўрсатувлар ўз томошабинига эга. Аммо кейинги пайтларда "Турмуш чорраҳаларида" кўрсатуви орқали айрим лавҳалар ҳам эфирга узатилаяпти. Афсуски, уларнинг аксариятида Европа сериалларига ўхшаш жиҳатлар борки, бундай тақлидчилик кишининг ғашига тегади. Яқинда фарзандларимиз билан ушбу кўрсатувни томоша қилаётган эдик. Унда топиш-тутиши яхши бўлган бир йигит икки нафар фарзанди ва гулдек хотинини ташлаб бошқа аёл билан танишади. Бу аёл йигитни йўлдан уриб, борбудини совуриб бўлгач, ундан юз ўгиради. Йигит эса қаёққа боришни билмай, чор-ночор ҳолатда яна уйига қайтади. Жувон эса одамларнинг шунча таъна-дашном, ғийбату пичингларини енгиб, хиёнаткор эрини кечиради...

Айтмоқчиманки, аксарият лавҳаларнинг мавзуси бир хил. Яъни, қайнона-келин, қуда-анда можароси ёки оиладаги хиёнат "тарғиб" қилинади. Чорраҳа — тўртта йўл, деган маънони англатади. Шундай экан, нима учун "Турмуш чорраҳаларида" фақат битта "йўл" — оилавий можаролар акс этиши керак? Томошабинни жалб қилиш умидида хориж сериалларига тақлидан, зўрма-зўраки ишланаётган мазкур лавҳалар фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмайлик..."

> Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай дейилади: "...эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди."

Шундай экан, маънавиятимизнинг бебаҳо қирраларини кенгроқ тарғиб этиш, шу орқали тарбиямизга, онгу шууримизга ёт жиҳатларга ўрин бермаслик ҳар биримизнинг эзгу юмушимизга айланса, айни муддао бўлар эди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**
**ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**иқтидорли ва ташаббускор ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида фан ҳамда технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича 2010 — 2011 йилларга мўлжалланган ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий техника дастурларини шакллантириш учун илмий лойиҳалар**

***танловини эълон қилади.***

Танловда илмий даражага эга, 35 ёшгача бўлган ёш олим ҳамда мутахассислар ўз фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкин. Лойиҳани бажаришга жалб этиладиган ижрочиларнинг ёши ҳам 35 ёшдан ошмаслиги керак.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларида танишиш мумкин.

Танловга илмий лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар орқали тақдим этилиши лозим.

**Танловга лойиҳалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 2010 йил 30 апрелгача шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.**

Қўшимча маълумотларни Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг **www.ftk.cc.uz** сайтидан олиш мумкин.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
Қўмита ижро аппаратида:
**(8-371) 233-69-23, 232-20-68.**
Фанлар академиясида:
**(8-371) 233-29-81, 233-59-86.**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида:
**(8-371) 246-01-54.**
Халқ таълими вазирлигида:
**(8-371) 239-83-45.**
Соғлиқни сақлаш вазирлигида:
**(8-371) 242-12-08.**
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида:
**(8-371) 241-65-19.**

213R/290



Alliance Insurance
СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ

**Транспорт воситаларини суғурта қилиш**



**Келажагингиз ҳақида**
**ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй.
Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01.
www.a-insurance.uz
Хизматлар лицензияланган.

218R/17



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 5